

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS

TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



**ILMIY
AXBOROTNOMA**

2022

- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
- SCIENTIFIC BULETTIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY



ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz





Bosh muharrir: Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov

Mas'ul muharrir: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.Dexqonov

Mas'ul muharrir o'rinbosari: Ilmiy-tadqiqot va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i D.Dexqonov

TAHRIRHAY'ATI

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov. f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev

Kimyo fanlari: akad.S.Rashidova, akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof.SH.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots A.Hurmatov

Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d. dots.A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d. dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev.

Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.

Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.

Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov, tar.f.d., prof. U.Abdullayev.

Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof.N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.

Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n.dots. T.Ismoilov, PhD A.Abdullayev.

Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n. dots. S.Misirov.

Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof.A.Nigmatov.

Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n.,dots.M.Asqarova, p.f.n.,dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots S.Abdullayev

Tibbiyot fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.

Psixologiya fanlari: p.f.d.,prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova

Texnik muharrir: N.Yusupov

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Uychi ko'chasi, 316-uy.

Tel: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Faks:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 14.07.2022-yildagi kengaytirilgan yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnoma № 7). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi

9. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар / Шоислом Шомуҳамедов таржимаси. - Т., 1964. - Б.19.
10. Мирзо Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. - Т., 2005. - Б.53.
11. Мўминов И. Мирза Бедил. -Т.: Фан, 1964. - Б.39.

ТРАНСДИСЦИПЛИНАР ПАРАДИГМА: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Гулчехра Гаффарова,

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, фалсафа фанлари доктори,
gafforovagulchehra3@gmail.com

Аннотация. Охирги йилларда илмий баҳсларда фанлараролик ва трансдисциплинарлик тушунчаларидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, замонавий фанда уларнинг фалсафий ва методологик муаммолари ишлаб чиқилмоқда. Ушбу мақолада трансдисциплинарлик тушунчасининг моҳияти ва унга оид ёндашувлар фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: транс, дисциплинарлик, трансдисциплинарлик, фанлараро, ёндашув, фанлараро ёндашув, трансдисциплинар ёндашув, фан, интердисциплинар.

ТРАНСДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ПАРАДИГМА: ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ

Гулчехра Гаффарова,

профессор Чирчикского государственного педагогического института, доктор
философских наук, gafforovagulchehra3@gmail.com

Аннотация. В последние годы в научных дискуссиях широко используются понятия междисциплинарности и трансдисциплинарности. Особенно в современной науке разрабатываются их философско-методологические проблемы. В статье проводится философский анализ сущности понятия трансдисциплинарности и подходов к нему.

Ключевые слова: транс, дисциплинарность, трансдисциплинарность, междисциплинар, подход, междисциплинарный подход, трансдисциплинарный подход, наука, интердисциплинарность.

TRANSDISCIPLINARY PARADIGM: A PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Gulchehra Gaffarova

Chirchik State Pedagogical Institute Department of Social Sciences, Professor
gafforovagulchehra3@gmail.com

Annotation. In recent years, the concepts of interdisciplinarity and transdisciplinarity have been widely used in scientific discussions. Especially in modern science, their philosophical and methodological problems are being developed. The article provides a philosophical analysis of the essence of the concept of transdisciplinarity and approaches to it.

Key words: trans, disciplinarity, transdisciplinarity, interdisciplinarity, approach, interdisciplinary approach, transdisciplinary approach, science, interdisciplinarity.

КИРИШ

Охирги 15-20 йил ичида трансдисциплинар мавзуларда кўплаб китоблар, баёнотлар ва ҳисоботлар нашр этилди. Ушбу нашрларда трансдисциплинар ёндашувларнинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири трансцендентал ёндашувларнинг белгилари ва хусусиятларини изоҳлайди. Трансдисциплинарликнинг умумэтироф этилган таърифининг йўқлиги ва трансдисциплинар ёндашувларнинг аниқ идентификацияси баъзи таълимотлар, амалиётчилар ва олий таълим ташкилотчиларининг трансдисциплинарликни чегаравий деб билишига олиб келди. Бу ҳолат фан ва таълимда фанлараро ёндашувлар, услублар ва технологияларни илгари суришни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Трансдисциплинарликка бўлган бундай муносабатни ўзгартириш учун унинг асл сабаби ва асл ғояси, шунингдек, трансдисциплинар ва тизимли трансдисциплинарнинг фарқлари ва хусусиятлари ҳақида ишончли маълумот бериш керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Трансдисциплинарлик тушунчасини 1970 йилда швецар психологи ва файласуфи Жан Пиаже биринчи бўлиб таклиф этган. Яъни, «Интердисциплинарлик – университетларда ўқитиш ва тадқиқотлар муаммолари» мавзусидаги халқаро семинарда Жан Пиаженинг австрия астронами Эрих Янч (Рим клуби асосчиси, Коинотдаги ўз ўзини ташкиллаштириш муаммоларини тадқиқотчиси) ҳамда француз математиги Андре Лихнерович билан бўлган илмий баҳсида қўллаган. Ушбу баҳсда Жан Пиаже тадқиқотнинг юқори босқичи сифатида «фанда трансдисциплинарлик»ни муҳокама қилишни таклиф қилди, бу эса фанлараролик босқичига мос келади. Жан Пиаже фикрича, «фанлараро тадқиқотлар босқичидан кейин юқори босқич – трансдисциплинарликни кутиш керак, қайсики фанлараро муносабатларда чегараланмайди, балки бу муносабатларни интизом орасидаги чегараларсиз глобал тизим ичида жойлаштиришлари лозим»[18]. Дарҳақиқат, Жан Пиаже фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, трансдисциплинарликни янги билим соҳаси сифатида қараш мумкин. Шунингдек, мултидисциплинар ва интердисциплинардан фарқ қилади.

Трансдисциплинарлик муаммосига оид хорижий тадқиқотларда Н.Лапьер, А.Лихнерович, Э.Морен, Б.Николас, Ж.Пиаже, Э.Янчлар машҳур ҳисобланади. Россиялик олимлар В.Аршинов, В.Буданов, Л.Горбунова, Г.Гутнер, Л. Киященко, В. Моисеев, В. Мокий, Я.Свирский, Е.Князева, В.Степин, П.Тищенко кабилар фанлараролик ва трансдисциплинарлик муаммолари билан шуғулланган. Мамлакатимизда ҳам трансдисциплинарлик фалсафий моҳияти, унинг кўринишлари ва ўзига хос хусусиятлари М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалаловалар [6-12] илмий мақолаларида учратиш мумкин.

НАТИЖАЛАР

Эрих Янч Ж. Пиаженинг фикрларини ривожлантирди. Яъни, Э.Янч трансдисциплинарликни «интизомлар орасидаги барқарор чегараларсиз янги макон, янги билим соҳаси сифатида албатта супер ёки гипердисциплинар бўлиши керак» деб таклиф қилади. Унинг фикрича, бундай «трансдисциплинарлик умумий аксиоматик ёндашув асосида инновациялаш ва ўрғанувчи дисциплинар ва интердисциплинар тизимлар мувофиқлаштирувчиси (координатори) бўлиши керак» [13. 108].

Шунингдек, А.Лихнерович қарашида трансдисциплинарлик радикал математик эди. У трансдисциплинарликни «ўйинлар чорраҳаси»нинг баъзи турлари каби, «бу фаолият қаерда амалга оширилиши ҳамда майдонидан қатъий назар фан ва техниканинг турли соҳасида назарий фаолиятнинг бир хиллиги» [15, 130-131] сифатида қабул қилди. Ҳамда бу назарий фаолият фақат математик тилда шаклланиши мумкинлигини таъкидлайди.

Шуни айтиш керакки, юқорида таъкидланган семинар «Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти» доирасида Франция миллий таълим вазирлиги ва Нацци университетлари ҳамкорликда ўтказган [17].

1987 йилда Халқаро трансдисциплинар тадқиқотлар маркази ташкил этилди, у ўзининг биринчи конгрессида Трансдисциплинарлик Хартиясини қабул қилди. Бу низомга Э. Морен ва дунёдаги трансдисциплинар ҳаракатнинг етакчиларидан бири ҳисобланган румин физиги Базараба Николцу имзо чеккан.

МУҲОКАМА

Трансдисциплинарлик кўплаб фанлар чегарасида ўтадиган ва "транс" ставкасининг маъносидан келиб чиқадиган, аниқ фанлар чегарасидан чиқиб кетадиган тадқиқотларни тавсифлайди. Трансдисциплинар тадқиқот когнитив схемаларни бир интизом соҳасидан иккинчисига ўтказиш, қўшма илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан тавсифланади. Трансдисциплинарлик атама сифатида дастлаб француз тилида сўзлашувчи дунёнинг академик марказлари томонидан қўлланила бошланди. Хусусан, Париждаги Эдгар Морен маркази (Замонавий антропология маркази), кейин мултидисциплинар тадқиқот соҳалари, фанлараро тадқиқотлар ва трансдисциплинар тадқиқот стратегиялари кабиларда.

Э.Мореннинг "фанлараролик" ва "интердисциплинар" тушунчалари ўртасидаги фарқларни кескинлаштирадиган мулоҳазалари мавжуд. Унинг фикрича, «фанлараро алоқалар фақат турли хил фанлар умумий столда ўтиришини англатиши мумкин, худди турли миллатлар БМТга фақат ўз миллий ҳуқуқлари ва қўшнилариининг тажовузлари устидан суверенитетини ҳимоя қилиш учун йиғилишади. Аммо фанлараро ҳам алмашинув ва ҳамкорликка интилиши мумкин, бунинг натижасида фанлараро органик нарсасага айланиши мумкин.

Трансдисциплинарлик ҳақида гап кетганда, кўпинча бир фандан иккинчисига ўтиши мумкин бўлган когнитив схемалар ҳақида бўлади, баъзан эса шундай кескин тарзда дисциплинарлар транс ҳолатига тушади. Дарҳақиқат, фан тарихида фаолият юритувчи ва самарали рол ўйнайдиган интер- (фанлараро), поли (кўп тармоқли) ва трансдисциплинар билим мажмуалари; бу ерда иштирақ этадиган асосий тушунчаларни, яъни ҳамкорлик, аниқроғи, уланиш ёки ўзаро боғлиқлик ёки, аниқроғи, қўшма лойиҳани эса олиш керак" [16, 136].

Трансдисциплинарлик бу «интизом чегараларини кесиб ўтувчи ва яхлит тасаввурни ривожлантирувчи тадқиқот стратегияси»[2, 194]дир. Тор маънода трансдисциплинарлик илмий муаммоларни ҳал қилиш учун тадқиқотнинг турли шакллари ва усуллари, шу жумладан илмий билишнинг махсус техникасини бирлаштиришни англатади. Трансдисциплинарлик кенг маънода маълум фанлардан ташқари билимларнинг бирлигини англатади.

Николескунинг фикрича, трансдисциплинарлик учта методологик постулатларга (Ҳақиқат даражаларининг мавжудлигини тан олиш; учинчи мантиқ, мураккаблик) асосланган

бўлиб, улар уни фанлараро ва трансдисциплинарликдан тубдан ажратиб туради. Албатта, ҳар бир фан воқеликнинг фақат бир қисмини, унинг даражаларидан фақат биттасини ўрганади. Трансдисциплинар стратегия бир вақтнинг ўзида бир нечта воқелик даражасидаги жараён динамикасини тушунишга интилади, шунинг учун у муайян фанлар чегараларини кесиб ўтади ва жараённинг универсал расмини, унинг яхлит кўринишини яратади. Трансдисциплинарлик фанларароликка қарама-қарши эмас, балки уни тўлдиради, чунки у воқеликнинг турли қисмларини ягона расмда бирлаштиради. Трансдисциплинарлик воқеликни унинг мураккаблигида тушунишга ҳаракат қилади ва бу синергетикага хос бўлган муносабатдир.

Айтиш мумкинки, трансдисциплинарлик - бу фанлар ўртасида синергияни кучайтириш ва билимларни чиндан ҳам бирлаштириш демакдир. Бу билимларни ўзгартириш, муаммоларга конструктив ечим излаш ва реал муаммоларни ҳал қилишга олимларни жалб қилишнинг амалдаги амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, интер- ва транс- дисциплинар комплекс таркибига кирувчи ҳар бир илмий фан бир вақтнинг ўзида ҳам очиқ ва ҳам ёпиқ бўлиши шарт. У қўшни ва узоқроқ илмий фанлардан кўчирилган ва у учун эвристик аҳамиятга эга бўлган янги когнитив схемаларга очик; бошқа илмий фанлар билан ҳамкорлик қилишга, қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширишга тайёр. У ёпиқ, чунки у ўзига хос мавзу ва тадқиқот нуқтаи назарини сақлаб қолишга, илғор ва илғор тадқиқот усуллари ва стратегияларини ишлаб чиқишга интил иши керак.

Албатта юқорида билдирилган қарашлардан кўриниб турибдики, «супер ёки гипердисциплинар» атрибутлари чуқур ишлаб чиқилмаганлиги, унинг асосчилари қарашларида трансдисциплинарлик ғояси узоқ йиллар турли мамлакат олимларининг монодисциплинар тадқиқотларда назарий муҳокамага айланди. Бу эса илмий риторикада икки атамани «трансдисциплинар фанлар» ва «фаннинг трансдисциплинарлиги» пайдо бўлишига олиб келди.

«Фаннинг трансдисциплинарлиги» атамаси мураккаб тизимлар (объектлар) комплекс тадқиқ қилиш ва тушунтиришда монодисциплинар билимларни синтезига мослашишни билдиради.

«Трансдисциплинар фанлар» атамаси эса универсал методология ва концепция бўлиб, табиат ва жамиятнинг мураккаб кўп омилли муаммоларини, шунингдек, мураккаб монодисциплинар муаммоларни ечиш имкониятини беради.

«Фаннинг трансдисциплинарлиги» атамаси тарафдорларининг объектив сабаблар сони, билимлар доирасида дисциплинар чегараларни сақланиши, «трансдисциплинар фанлар» тарафдорларининг сонини сезиларли даражада оширишда. Бу ҳолни 2-3 ноябрь 1994 йил Португалиянинг Конвено да Аррабида шаҳрида ўтказилган Трансдисциплинарлик тўғрисидаги биринчи халқаро конгресс якуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Хартияда таъкидланишича, «трансдисциплинарлик дисциплинар ёндашувларни тўлдиради. Бу эса дисциплинар орасида янги билим ва янги ўзаро фаолият пайдо бўлиш имконини беради. Бу бизни табиат ва реалликни янгича қарашга йўналтиради.

Трансдисциплинарлик бир неча дисциплинани илоҳийлаштиришга ҳаракат қилмайди, аммо олдига барча дисциплинани, яъни нима учун бирлиги ҳамда уларнинг олдида нима туришини очиқ беришни мақсад қилади» [5].

Умуман олганда, «трансдисциплинарлик» атамасининг илмий риторикадаги қисқача тарихи гувоҳлик беришича, ҳозирги кунда трансдисциплинарлик ва трансдисциплинар ёндашувлар тараққиёти натижасида иккита параллел йўналиш – «фаннинг трансдисциплинарлиги» ва «трансдисциплинар фанлар» мавжуд. Уларнинг тараққиёти эса ҳозирги кунда трансдисциплинарликнинг турли моҳияти, турлари ва шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда халқаро трансдисциплинар ҳаракатлар шакланган ва ривожланмоқда дейиш мумкин. Ана шундай халқаро ташкилотларидан бири – Трансдисциплинар тадқиқотлар халқаро маркази (CIRET – Centre International de Recherches et Etudes Transdisciplinaires) бўлиб, у 1987 йилда Парижда нодавлат ташкилоти сифатида ташкил этилган [1, 155]. Ушбу ташкилотга дунёдаги трансдисциплинар ҳаракатлар етакчиларидан бири, румин физиги Басараб Николеск президенти ҳисобланади. Марказ ўзининг биринчи съездида Трансдисциплинарлик Хартиясини қабул қилган. Шунингдек, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1998 йил май ойида Франциянинг Париж шаҳрида Трансдисциплинар бўйича Симпозиум ўтказилди.

Е.Жюдйга фикрига кўра, замонавий фанда трансдисциплинарликнинг тўрт тури мавжуд [14]:

- трансдисциплинарлик-1 (индивидуал фанлар тушунчасининг расмий ўзаро боғлиқлиги саъй-ҳаракатларига асосланиб, мантикий мета-рамка шаклланишини таъминлайди, бу орқали билимлар турли эксперт тизимлари ва эксперт гуруҳларининг иши мавҳумлик даражасидан юқори даражадаги мавҳумлик даражасида бирлаштирилиши мумкин);
- трансдисциплинарлик-2 (тадқиқотчининг шахсий тажрибаси, шу жумладан медитация билан янада яқинроқ ички алоқага эга);
- трансдисциплинарлик-3 (асосий когнитив маънога эга бўлган умумий метафоралардан фойдаланиш билан боғлиқ, ҳақиқатнинг бир марказлилиги ва конкретлиги биринчи ўринда туради);
- трансдисциплинарлик-4 (унинг методологияси - объектни ягона тартибланган муҳитнинг бир қисми сифатида тушуниш, билиш ва тавсифлаш усули; объектнинг ҳолатини (уйғунлаштириш) ва унинг табиий яшаш муҳитини бошқариш усули, икки йўналишда амалга оширилади - атрофдаги дунё ҳақида янги билимларга эга бўлиш, табиат ва жамиятнинг мураккаб кўп омилли муаммоларига ечим топиш. Асосий тамойил - ҳақиқатнинг конкретлиги - ягона тартибни белгилайди, трансдисциплинар тизим бу тартибнинг фазовий, ахборот ва вақтинчалик бирликлари билан ифодаланади).

Россия илм-фанида жаҳон фанида мавжуд позициялар ва рақобатбардошликни сақлаб қолиш имконини берадиган рус трансдисциплинарлик мактаби шакланган. Трансдисциплинарликнинг фалсафий жиҳатлари бўйича биринчи назарий ишлар Россияда 2004-2005 йилларда пайдо бўлган. Трансдисциплинарлик рус мактабининг вакиллари А.О. Жамборова, В.С. Мокий [3], М.С. Мокий [4], О.Е.Шегай, Н.Я. Диденко, С.А.Беседин, Р.Б. Богатуров, Л.П. Кияшченко ва бошқалар.

2007 йилда "Трансдисциплинар технологиялар институти" автоном нотижорат ташкилоти тузилди, унинг асосий вазифалари трансдисциплинарликни мустақил илмий фан сифатида янада ривожлантириш, амалиётга трансдисциплинар ёндашув усуллари ва кўп факторли мураккаб муаммоларни ҳал қилиш технологияларини жорий этишдир.

Бироқ, йигирма йиллик иш жараёнида амалга ошириш учун тайёрланган, ишлаб чиқилган кўп тармоқли технологиялар ва технологик ғоялар "икки мақсадли", очиқ матбуотда маълум мавзулар бўйича нашрларнинг танланганлиги аниқланди.

2013 йилга келиб, бир қанча асосий тармоқлар шакллантирилди, бу ерда фанлараро ёндашув - иқтисодиёт, экология, таълим, соғлиқни сақлаш, архитектура ва қурилиш, жамиятга қарши ва террористик таҳдидларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан энг катта амалий қўлланишга эришилди.

Эндиликда фан ва менежмент амалиётига трансдисциплинар жорий этилмоқда. ЮНЕСКО ҳужжатларида ва Э.Морен бошчилигидаги Франциядаги комплекс фикрлаш ассоциациясининг бюллетенларида бугун тез-тез трансдисциплинар муҳандислиги ҳақида манбаларни учратиш мумкин. «Трансдисциплинарлик муҳандислиги - бу янги илмий рационализм ёки очиқ фикр парадигмаси бўлиб, унда тафаккурни ҳаракатдан ажратиб бўлмайди ва барча билимлар "ақлнинг ғалати боғланиш қобилятига" таянади» (Гиамбаттиста Висо). Бу турли фан билимлари, шунингдек, билим ва фаолият, анъаналар ва инновациялар ўртасидаги боғлиқликни англатади.

Шунингдек, интердисциплинар ёки трасдисциплинар тадқиқотларнинг тез ривожланаётган яна бир соҳаси - бу когнитив фан ҳисобланади. У инсон ақли ва унинг нейрофизиологик асосини - инсон миясини барча кўринишларида ўрганадиган фанларни ўз ичига олади. Яъни, эволюцион биология ва генетика, физиология ва нейрофизиология, психология, биринчи навбатда когнитив психология ва генетик психология (Ж. Пиagetнинг ривожланиш психологияси), психоанализ ва психотерапия, антропология ва қиёсий антропология, тилшунослик ва нейролингвистика, информатика, робототехника кабилар. Айтиш керакки, замонавий эпистемология - когнитив фаннинг ажралмас қисмидир. Эпистемология классик билиш назарияси билан боғлиқ. У субъект ва билим объекти, нисбий ва мутлақ ҳақиқат, ҳақиқат ва ҳатоларнинг қарама-қаршилигида айланмайди, балки инсон мияси ва танасининг мураккаб лабораториясига кириб, фундаментал илмий фанлар натижаларини ўзига жалб қилади: табиатшунослик, ҳаёт, гуманитар фанлар.

Албатта, когнитив фан ижтимоий ва гуманитар профилнинг жуда узоқ илмий назарияларига таъсир қилади. Хусусан, бугун биз қарорлар назарияси, ижтимоий менежмент назарияси, алоқа назарияси, ижтимоий прогнознинг когнитив ўлчами ҳақида гапиришимиз мумкин. Шунингдек, когнитив фан инсоннинг табиий ва ижтимоий дунёдаги тўғридан-тўғри ҳаётий тажрибасини тушунишга яқинлашади.

Умуман олганда, трансдисциплинар ёндашувлар билимга ёки ҳақиқатга асосланган бўлиши мумкин. Табиатнинг ўзига хос мураккаблиги, кўплиги ва шу билан бирга чуқур бирлигида тушуниш фанлар орасидаги чегараларни кесиб ўтишни, металл тили ва фанлараро тадқиқот стратегияларини яратишни талаб қилади. Ҳақиқат даражасининг онтологияси баъзи файласуфлар, шу жумладан Николай Хартман томонидан қурилган.

Юқоридаги таҳлилар натижасида айтиш мумкинки, олимларнинг трансдисциплинар ёндашувлар ва трансдисциплинар когнитив стратегияларни қабул қилишдаги жасорати илмий билимларни узоқ муддатли ва самарали ривожлантириш йўлидаги ҳал қилувчи қадамдир. Шу сабабли илм-фаннинг келажаги айнан илмий фанларни ўзаро бирлашишидадир. Бундай трансдисциплинар ёндашув нафақат илмий билимларни бойитибгина қолмай, балки макрообъектлар ва макрожараёнларни, шу

жумладан табиат ва жамият объектларининг ҳамда инсоннинг умумий ҳолатини, маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситаларини яратиш, биринчи навбатда янги авлод компьютерлари ва мураккаб техник объектни бошқариш технологияларини ишлаб чиқишга имкон беради.

ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда ҳам замонавий фанда трансдисциплинар ёндашув ривожланишининг жаҳон тенденцияларини инобатга олган ҳолда, асосий методологик ёндашувлар сифатида табиатан трансдисциплинар бўлган назариялар ва тушунчаларни ишлатишга етарлича эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 октябрь 2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5846-сон ҳамда «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари доирасида ҳам трансдисциплинар тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, илмий изланувчиларининг ишларида трансдисциплинар ёндашув нуқтаи назаридан олиб бориш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда трансдисциплинар ёндашувларнинг моҳиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш лозим. Чунки ушбу ёндашув жараёнлар динамикасини бир вақтнинг ўзида реаллик даражасининг бир нечта босқичида ўрганишга имкон беради. Шунингдек, замонавий трансдисциплинар тадқиқотларнинг жадал ривожланаётган йўналишларига мураккаб тизимлар назарияси (синергетика), келажакни ўрганиш ва когнитив фанларни киритиш мумкин. Чунки бу аниқ ўрта-муддатли истиқболда фаннинг юзини аниқлашга имкон берадиган аниқ фанлараро тадқиқотлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Киященко Л. П. Философия трансдисциплинарности. /Л. П. Киященко, В.И. Моисеев. – М. : Институт философии РАН. 2009. – С.155.
2. Князева Е.Н. Трансдисциплинарные стратегии исследования // Вестник Томского государственного педагогического университета, 2011, №10, С.194.
3. Мокий В.С. Основы трансдисциплинарности. – Нальчик: Изд-во «ЭльФа», 2009.
4. Мокий М.С. Пространственно-временные факторы в развитии экономических систем. – М.: Московская академия экономики и права, ИИК «Калита», 2001.
5. Хартия трансдисциплинарности. 1994. Трансдисциплинарные исследования: сайт [Электронный ресурс]. – URL: <http://transstudy.ru/xartiya-trandisciplinarnosti-1.html> (дата обращения: 06.07.2014)
6. Гаффарова, Г.Г. (2019). Трансдисциплинарность в современной науке. Биоорганик кимё фани муаммолари: республика илмий-амалий конференция материаллари. Том 3, -С.53-56.
7. Гаффарова, Г.Г. (2019). Трансдисциплинарлик моҳияти: фалсафий таҳлил. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: даврий нашр. №3, -Б.51-56.
8. Абдуллаева М., Гаффарова Г. (2020). Структурные преобразования – новые возможности развития. “Ўзбекистон ва Марказий Осиё: XXI аср ижтимоий гуманитар фанлари долзарб муаммолари, интеграция ва истиқбол тенденциялари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, – Б.264-268.

9. Гаффарова, Г.Г. (2020). Трансдисциплинарлик парадигмасининг фалсафий таҳлили. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 15-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. –Б.195-196.
10. Абдуллаева, М.Н., Гаффарова, Г.Г., Жалалова Г.О. (2020). Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тақиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. – Тошкент: “Noshir” nashriyoti, - 184 б.
11. G'affarova, G.G'. (2021). Murakkab tizimlarda axborot generatsiyasi. Monografiya. – Toshkent: “Noshir” nashriyoti, - 224 b.
12. Gaffarova, G.G. (2019). Murakkab tizimlarda axborot generatsiyasining falsafijimetodologik asoslari: Dissertatsiya fals.f.d. (DSc). – Toshkent, - 260 b
13. Jantsch E. Vers l'interdisciplinarite et la transdisciplinarite dans l'enseignement et l'innovation, in Leo Apostel et al., 1972. –P.108.
14. Judge A. Conference Paper. 1st World Congress of Transdisciplinarity. – Brussels: Union of International Associations, 1994.
15. Lichnerowicz A. Mathematique et transdisciplinarite, in Leo Apostel et al. 1972. –P.130-131.
16. Morin E. La tête bien faite. Repenser la réforme  Réformer la pensée. P.: Editions du Seuil, 1999. Pp.136.
17. Nicolescu B. Transdisciplinarity – Past, Present And Future. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://basarab-nicolescu.fr/Docs_articles/Worldviews2006.htm.
18. Piaget J. “L'epistemologie des relations interdisciplinaires”, in Leo Apostel et al., 1972. –P.144.

MILLIY MA'NAVIYATGA TAHDIDLARNI BARTARAF ETISHNING MAFKURAVIY OMILLARI

Umurzakov Uyg'un Abdutalipovich

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi o'qituvchisi, O'zMU mustaqil izlanuvchisi,

E-mail: Afm7787@mail.ru

Annotatsiya. Millat mavjud ekan, uning o'zligini anglashga intilishi ham rivojlanib boradi. Chunki millatning mavjudligining o'zi uning “men”ligining mavjudligini ham bildiradi. O'zligidan mahrum bo'lgan millat millat bo'lolmaydi. U o'zgalarga assimiliyasiyalashib (qo'shilib) ketadi. Shunday ekan, millat taraqqiyotining turli bosqichlarida va uning tashqi dunyo bilan bo'ladigan munosabatlarida, uning o'zligini anglashida kechadigan o'zgarishlar, yuzaga keladigan turli darajadagi ziddiyatlar va jarayonlarni uzluksiz ravishda tahlil qilib borishga bo'lgan ehtiyoj ham oshib boraveradi. Ushbu maqolada milliy ma'naviyatga tahdidlarni bartaraf etishning mafkuraviy omillari haqida fikr va mulohazalar qilinadi.

Kalit so'zlar: milliy ma'naviyat, millat tafakkuri, tahdid, mafkura, omillar, rivojlanish, mexanizmlar, insonlar o'rtasidagi munosabatlar.

IDEOLOGICAL FACTORS TO ELIMINATE THREATS TO NATIONAL SPIRIT

Umurzakov Uyg'un Abdutalipovich

Teacher of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan,

Independent researcher of the National University of Uzbekistan

E-mail: Afm7787@mail.ru



09.00.00

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

24	Биоэтика инсон ҳаётий фаолиятининг амалий фалсафаси сифатида Қаххарова М	166
25	Маҳаллада соғлом маънавий муҳитнинг шакллантиришда оиланинг ўрни Рўзимуродов С.М	176
26	Тенденции современного искусства Агзамова Н.Ш.	181
27	Инновации в профессиональной подготовке специалистов экологического образования Абдуазимова З	187
28	Обсуждение смысл жизни и человеческой проблемы в истории развития нравственного мышления Мухамеджанова Л.А	192
29	Мирзо бедил фалсафий қарашларининг ўзига хос хусусиятлари Мухаммадиева О.М	200
30	Трансдисциплинар парадигма: фалсафий таҳлили Ғаффарова Г	206
31	Milliy ma'naviyatga tahdidlarni bartaraf etishning mafkuraviy omillari Umurzakov U.A	213
32	So'fi Ollohyor ma'naviyati shakllanishining obyektiv va subyektiv shart – sharoitlari Ximmatova Z.A	218
33	Ёшлар онгида ташаббускор ғояларни шакллантириш Исроилов А	224
34	Ёшлар онгида антикоррупцион тафаккурни шакллантиришда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг тутган ўрни ва аҳамияти Ҳабибуллаев М.О	229
35	Учинчи ренессанс даврига ўтиш жараёнида геоиктисодий тафаккур омили Убайдуллаев И.А	233
36	Хожагон тасаввуфий тариқатида инсон камолоти ҳақида Шарипова О	237
37	Ўзбекистон республикаси сайлов ҳуқуқи тарихидан (Туркистон аср, Хоразм хср, Бухоро хср ва Ўзбекистон сср конституциялари мисолида) Яқубов Н.С	243
38	Модернизация ва инсон салоҳиятининг реализацияси Холмирзаев Х.Н	250